

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020. Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРКАБИЛОВА ГУЛНОЗА ПУЛАТОВНА

ТАЛАБА ЁШЛАРДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Наркабилова Гулноза Пулатовна

Талаба ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг назарий-
амалий асосларини такомиллаштириш.....3

Наркабилова Гулноза Пулатовна

Совершенствование теоретико-практических основ формирования
культуры общения у студенческой молодежи25

Narkabilova Gulnoza Pulatovna

Improvement of theoretical and practical bases of formation of student youth
communication's culture47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020. Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРКАБИЛОВА ГУЛНОЗА ПУЛАТОВНА

ТАЛАБА ЁШЛАРДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped275 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Темиров Набижон Солиевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оponentлар:

Юзликаев Фарид Рафаилович
педагогика фанлари доктори, профессор

Нишонов Махмуджон Собирович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «7» ноябрь соат 10 00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2020 йил «26» 10 куни тарқатилди.
(2020 йил «26» 10 даги 3 - рақамли реестр баённомаси).



С.Т.Турғунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

И.И Солиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Т.А.Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак мутахассисларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш, самарали мулоқот техникаси ва технологиясини таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, самарали мулоқот малакасини ривожлантириш моделларини такомиллаштириш, кооператив таълим самарадорлигини ошириш, диалогик муносабатлар маданиятини қарор топтириш олий таълимнинг устувор вазифаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муаммо маданиятлараро мулоқот кўникмаларини ўзлаштириш, ижтимоий-маданий компетентликни эгаллаш, рефлексив қобилиятни таркиб топтириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим долзарбликка эга бўлмоқда. Шунингдек, виртуал клублар фаолиятини жадаллаштириш асосида талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштириш зарурати ҳам мавжуддир.

Дунёда талаба-ёшларда мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг социологик, психологик, ижтимоий, педагогик ва акмеологик жиҳатларини тадқиқ этишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, самарали мулоқот техникаси асосида талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, коммуникатив саводхонликни ривожлантиришнинг педагогик моделларини ишлаб чиқиш, рефлексив ёндашув асосида аффилиация мотивациясини қарор топтиришнинг ижтимоий жиҳатларини аниқлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг анъанавий ва инновацион усулларини уйғунлаштириш, очиқ мулоқотга асосланган фаолиятнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш, оила ва таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида мулоқотмандлик кўникмаларини ривожлантириш муҳим долзарблик касб этмоқда.

Республикамизда талаба-ёшларнинг маънавий фазилатларини ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда Ватанпарварлик, юксак ахлоқий идеаллар, янги ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини қарор топтириш, фуқаролик позициясини таркиб топтиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, соғлом тафаккур ва самарали мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса, талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш, аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларни самарали мулоқотга тайёрлашнинг ижтимоий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 6-сон. 70-модда.

педагогик механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сонли “Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда талабаларининг ижтимоий ва коммуникатив фаоллиги муаммолари О.Мусурмонова, Р.Сафарова, Ф.Юзликаев, Н.Эгамбердиева, К.Қуранбаев, Ш.Қурбонов, Р.Маматқулова, ёшларнинг маънавий қадриятлари, маданияти, ахлоқий фазилатларни шакллантириш масалалари эса С.Аннамуратова, Ж.Ташматова, Э.Бобомуратова, Г.Наджимовлар, талабаларни самарали мулоқотга тайёрлаш усуллари А.Т.Нурманов, аудиториядан ташқари машғулотларда талабалар маънавиятини ривожлантириш йўллари У.Утановлар томонидан ўрганилган.

Мустақил Давлат Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари А.Нуржанова, Б.Ананьев, Л.Выготский, М.Каган, А.Леонтьев, А.Леонтьев, Б.Ломов, П.Якобсон, В.Кольцова, В.Носуленко, А.Бодалева, В.Кан-Калик, В.А.Сластенина, Л.Б.Филоноваларнинг тадқиқотларида мулоқот маданияти, коммуникатив қобилият ва коммуникатив таъсир кўрсатиш масалалари ўз аксини топган.

Хорижлик олимлардан К.Ховленд, И.Дженнис, М.Шериф, Г.Келли, Э.Холл, Д.Трагер, Дж.Спрекелс, Х.Котофф, Дж.Мартин, Н.Томас, Дж.Брунер, Л.Карасс, П.Маршаллар томонидан коммуникация жараёнининг асоси сифатида мулоқотнинг психологик, антропологик, ижтимоий-педагогик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Шунга қарамай, талаба ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг назарий-амалий асосларини такомиллаштириш бугунги кунда олий таълим муассалари олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлганлиги учун ҳам мазкур соҳада махсус илмий изланишлар олиб боришни

тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ "Ўзбекистонда глобаллашув ва фуқаролик жамияти шароитида шахс маънавий маданиятининг ривожланиш қонуниятлари" мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дарсдан ташқари вақтларда талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг назарий-амалий асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий зарурият эканлигини асослаш;

талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантириш технологик босқичларини аниқлаш;

дарсдан ташқари вақтларда мулоқот маданиятини ривожлантириш йўллариини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг назарий-амалий асосларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба синов ишларига Фарғона давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институтиларнинг 250 нафар респондент-талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантириш мазмуни, омиллари ва педагогик имкониятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида унинг мақсади ва вазиларига мувофиқ келувчи адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш, анкета, интервью, тест, эксперт баҳолаш, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик тузилмаси (моҳияти, компонентлари, вазифалари) педагогик коммуникациянинг шахслараро муносабатлар маданиятига тизимли таъсир кўрсатиш даражасини эксперт-матрицавий кўринишда тоифавий баҳолаш орқали аниқлаштирилган;

талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари мулоқотчанлик фазилатининг миллий тарбия билан уйғун жиҳатларини ҳисобга олиш, шахсга йўналтирилган таълим парадигмаси билан қайта алоқаси таъсирчанлигига ижобий таъсир кўрсатувчи педагогик механизмнинг оптималлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг технологик босқичлари (мотивацион, когнитив, фаолиятга доир, рефлексив) жараёнли-процессуал компонентнинг шакллантирувчи, интеллектуал-ифодавий,

ижтимоий-коммуникатив, ўзини-ўзи баҳолаш мезонлари самарадорлигини ижтимоий-педагогик хусусиятларига йўналтирувчи устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

аудиториядан ташқари вақтларда талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг адаптация тизими вербал ва невербал мулоқот шакллариининг интеграциялаш имконини берувчи “Педагогик риторика” махсус курсининг дидактик таъминотини интерфаол таълим талаблари билан идентифик даражасини кенгайтириш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда намоён бўлади:

талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг педагогик шартлари аниқлаштирилган;

талабаларда мулоқот маданияти шакллантириш мезонлари ва даражалари аниқланган;

талабаларнинг мулоқот маданиятини шакллантириш технологиясини қўллаш учун дидактик таъминот ишлаб чиқилган;

шахсий компьютер ва бошқа мобил қурилмалар учун “Мулоқот маданиятининг изоҳли луғати” номли электрон илова яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг мазмун-моҳияти очиб берилганлиги, мулоқот маданиятини шакллантириш омиллари ва мезонларининг аниқлаштирилганлиги, мулоқот маданиятини шакллантириш жараёни босқичлари ва технологик алгоритмининг назарий асосланганлиги, аудиториядан ташқари машғулотларнинг мулоқот маданиятини шакллантиришдаги истиқболлари ёритиб берилганлиги, мулоқот маданиятни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларда мулоқот маданиятини шакллантириш шакл, метод ва воситаларининг ишлаб чиқилганлиги, мулоқот маданиятини шакллантириш технологиясининг алгоритмик босқичларини амалга ошириш йўллариининг кўрсатиб берилганлиги, аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида мазкур мақсадга эришиш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижалари асосида яратилган “Олий ўқув юртларида мулоқот маданиятини шакллантириш” номли услубий қўлланма, “Педагогик риторика” номли ўқув қўлланмадан педагогика олий таълим муассасаларида “Умумий педагогика (Педагогик маҳорат)” фанини ўқитиш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида

фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг назарий-амалий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар асосида:

талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий зарурият эканлигини миллий, ижтимоий, мегаомилларнинг шахсларро муносабатлар соҳасига тизимли таъсир кўрсатиш даражасини эмпирик баҳолаш орқали асослашга доир таклиф ва тавсиялардан БЁА 1- 012 “Олий таълим муассасаларида талабаларни чет тили бўйича экологик маданиятини фаоллаштиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш” (2017-2018 йиллар) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 майдаги 89-03-1639-сон маълумотномаси). Натижада мулоқот маданиятини шакллантиришга таъсир этувчи омилларнинг коммуникатив таъсир даражасини кенгайтиришга эришилган;

талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини мулоқотга киришувчанлик мотивининг ёш, гендер ва акмеологик жиҳатларини коммуникатив парадигма билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш орқали аниқлаштириш, талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантириш технологик босқичларини шакллантирувчи, интеллектуал-ифодавий, ижтимоий-коммуникатив, ўзини-ўзи баҳолаш мезонлари билан қайта алоқасини ҳисобга олиш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Мулоқот маданияти изоҳли луғати”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 майдаги 89-03-1639-сон маълумотномаси). Натижада талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантириш технологияларини қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

вербал ва новербал мулоқот шакллариининг интеграциясини таъминлаш, “Педагогик риторика” махсус курсининг дидактик таъминотини такомиллаштириш асосида талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришга доир илмий-услубий тавсиялардан ИТД-1-11. “Умумтаълим мактаби ўқувчиларини когнитив-ижодий қобилиятларини илмий-педагогик асосда ривожлантириш ўсиб келаётган ёш авлодни XXI аср талабларига тайёрлаш шакли сифатида” (2009-2011 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 майдаги 89-03-1639-сон маълумотномаси). Натижада талаба-ёшларнинг вербал ва новербал мулоқот кўникмаларини ривожлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларинининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия

этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 151 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, луғат ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида мулоқот маданиятининг педагогик ва психологик хусусиятлари, мулоқот маданиятининг ривожланиш жараёнлари, мулоқот маданиятининг асосий таркибий қисмлари, мулоқот маданиятини шакллантиришнинг педагогик шартлари баён этилган.

Сўнги йилларда дунёда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида мулоқот маданияти, самарали мулоқот, шахслараро муносабатлар ва коммуникатив компетенция муаммолари фалсафа, социология, маданиятшунослик, тилшунослик, психология ва педагогика соҳасида фаол муҳокама қилинмоқда. Турли фан соҳалари олимларининг илмий-тадқиқот ишларида самарали мулоқот, коммуникатив компетенция моҳияти ва мазмуни очиқ берган. Жумладан, В.Ю.Жуков маданиятни қуйидаги шаклларда кўриб чиқади: 1) шахснинг ички дунёси (онг, хотира ва ақлий фаолият; одамларнинг эҳтиёж ва қобилиятлари; билим ва кўникмалар, интеллектуал ва ахлоқий ривожланиш; эстетик дид); 2) ижтимоий муносабатлар (ижтимоий мулоқот ва ўзаро муносабатлар; анъаналар; ахлоқ нормалари, қонун ва хатти-ҳаракатлар; турли хил ижтимоий институтлар); 3) инсон фаолиятининг объектив натижалари – моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг тайёр маҳсулотлари (асбоблар ва уй-рўзғор буюмлари, бадиий ва илмий ижод самаралари ва бошқалар).² М.Коул эса ўз асарида битирувчиларнинг коммуникатив маданиятини умумбашарий инсоният маданияти нуқтаи назаридан ўрганиб чиқади ва уни шахс томонидан онгли равишда шакллантирилган ижтимоий муҳит шароитларига мослашиш тизими сифатида тавсифлайди.³ М.Коул ва Ж.Брунер «шахснинг мулоқот маданияти» тушунчасининг асоси шахснинг самарали мулоқотга эришиш учун фойдаланадиган техника ёки хатти-ҳаракатлар қоидалари тўпламидир деган хулосага келишди.⁴ Мулоқот маданияти нафақат шахснинг асоси,

² Жуков В. Ю. Основы теории культуры: Учебное пособие для студентов вузов. –СПб.: СПбГАСУ, 2004. – С. 75

³ Коул М. Культурные механизмы развития.//Вопросы психологии.-1995.-№3.-С.5-21.

⁴ Bruner Jerome S. Acts of Meaning. Cambridge, Ma.:Harward University Press, 1990.149 p.

балки бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятини ташкил этувчи асосий таркибий қисм сифатида ҳам кўриб чиқилади. Хорижий тадқиқотчи С.Л.Каррасс «музокаралар жараёнида» мулоқот маданияти зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, келажак авлод низоларни маданиятли тарзда ҳал қилиш, жавобгарликни ўз зиммасига олиш, ўз олдига мақсад қўйиб, инсоний тамойилларга зид бўлмаган ва музокаралар столида муҳокама қилиш учун тақдим этилган кадриятларни таққослаш қобилиятига эга бўлиши керак.⁵

О.Муравьеванинг тадқиқотида ҳозирги кунга келиб, психология фанида мулоқот ва ўзаро муносабатларнинг самарали ёки самарасиз эканлигини белгиловчи психологик омилларни тадқиқ этиш натижасида кўплаб концепция, модел, метод, ёндашувлар юзага келганлиги кўрсатиб берилган: 1) назарий ёндашувлар; 2) мулоқот самарадорлигини коммуникатив компетентлик тушунчаси билан боғловчи эмпирик моделлар; 3) мулоқот самарадорлиги муаммоси ўзаро муносабатларнинг иерархик моделлари билан белгиланган тадқиқотлар; 4) самарали мулоқот усуллари ва техникалари ҳамда коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг психологик технологиялари ишлаб чиқилган амалий ижтимоий психология.⁶

Биз мулоқот маданияти жараёнида ишлатиладиган маданий меъёрлар, маданий билимлар, кадриятлар ва маънолар тўплами деган хулосага келдик. Мулоқот даражасини яратадиган мулоқот маданиятининг таркибий қисмларини кўриб чиқиш керак. Таъкидлаш жоизки, мулоқот маданияти коммуникатив фаолият сифатида ва шахс маданиятининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиши керак. Масалан, Г.Н.Смирнов мулоқот маданиятининг билим маъносида қуйидаги таркибий қисмларини ажратади: а) маълум бир жамиятда қабул қилинган мулоқот меъёрлари; б) мулоқот психологияси (тоифалар, нақшлар, механизмлар); в) бир-бирини тушуниш ва англаш психологияси; г) ушбу билимларни вазиятга, маълум бир жамиятнинг ахлоқий меъёрларига ва умуминсоний кадриятларга мувофиқ қўллаш қобилияти.⁷ Тадқиқотимизда мулоқот жараёнини амалга оширадиган бир нечта таркибий қисмларни аниқладик. (1-расмга қаранг)



1-расм. Коммуникация жараёнини ташкил этувчи омиллар.

⁵ Karrass, Ch.L. The Negotiating game, Harper Business, 1992, p. 233

⁶ Муравьева О. Психология коммуникативной компетентности: теоретические и практические аспекты / О.Муравьева – LAP LAMBERT Academic Publishing GmbH&Co.KG, 2011 – 136 с.

⁷ Смирнов Г. Н. Этика деловых отношений / Г. Н. Смирнов. М.: Проспект, 2011, С.84

Мулоқот маданияти самарадорлигининг муҳим шарти – бу мулоқот иштирокчиларининг мотивлари, мақсадлари ва ниятларидир.

Мулоқот маданияти юқори бўлган талабалар қуйидагиларга эга бўлиши керак: шахсининг психологик хусусиятлари; мулоқотдаги психологик тўсиқлар ва уларни йўқ қилиш усуллари; хулқ маданиятининг асослари; нутқ маданиятининг асослари; ташқи кўриниш маданиятининг асослари; шунингдек, мулоқот фаолиятини ташкил қилиш; мулоқот жараёнларини тартибга солиш; тинглаш ва тушуниш; мулоқот маҳорати, ўз фикрларини ифодалай олиш; бошқаларга таъсир ўтказиш ва улардан ўрганиш; мулоқотнинг мос шаклини танлай олиш; ўзи ва бошқаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; муҳим вазиятларда керакли қарорга кела олиш сингари кўникмаларга эга бўлиш бошқалар. Турли технологиялар, шакллар, усулларни ўз ичига олган таълим тизимини такомиллаштириш жараёни олий таълим муассасаларининг битирувчиларини келгусидаги касбий фаолияти истиқболларини ҳисобга олишни талаб қилади.

Республикамиз олимларидан А.Т.Нурманов ўз ишида дарсдан ташқари машғулотларнинг аксиологик ва акмеологик имкониятларини очиб берди, ушбу фаолият турини талабаларни самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлаш учун имконият сифатида ишлатади.⁸ У.К.Утанов дарсдан ташқари машғулотлардан фойдаланишни талабаларнинг маънавиятини ошириш учун имконият деб билади. Муаллифнинг фикрича, дарс машғулотлари ҳар доим ҳам талабаларнинг маънавий эҳтиёжларини қондира олмайди, руҳий, ахлоқий ва маърифий соҳаларда жонли мулоқотга киришиш, шахсий нуқтаи назарни ҳимоя қилиш ва бошқалар учун имконият яратмайди.⁹

Мулоқот маданиятини яхшилаш ва шакллантириш дарсдан ташқари машғулотларнинг анъанавий ва ноанъанавий турларида бирдек фаол амалга оширилади. Синфдан ташқари машғулотлар, шунингдек, ҳар қандай тизим мақсадлар, таркибий қисмлар, усуллар, воситалар ва ҳамкорлик шакллари каби таркибий қисмлардан иборат бўлиб, талабанинг мулоқотга бўлган эҳтиёжини ҳис қилишига йўналтирилган бўлиши керак. Дарсдан ташқари машғулотларнинг мақсадлари, вазифалари, мазмуни ва шакллари турли хил топшириқлар ва ишлардан кенг фойдаланиш имкониятини яратади. Талабаларнинг мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга бўлган қизиқишини шакллантириш талабаларнинг ҳаётга бўлган эҳтиёжларини аниқлашга боғлиқ. Дарсдан ташқари машғулотларга самарали таъсир қилувчи омилларни алоҳида таъкидлаш зарур (2-расмга қаранг).

⁸ Нурманов А.Т. Подготовка студентов к технологии и технике эффективного общения. – Т.: Фан, 2010. – С. 34

⁹ Утанов У.К. Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида бўлажак ўқитувчи шахси маънавиятини шакллантириш (Монография). –Т.: “Fan va texnologiya”, 2016, С. 39



2-расм. Дардан ташқари ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш омиллари.

Диссертациянинг “Талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари” деб номланган иккинчи бобида давлат таълим сиёсатидаги ижтимоий-коммуникация фаолияти (мулоқот) муаммоси, юқори малакали янги авлод мутахассисларни тайёрлашга қаратилган давлат ижтимоий-жамият ва ижтимоий-педагогик вазифа сифатида ёритилган. Бўлимда шунингдек, ўрганиш усуллари ва мулоқот маданиятини шакллантириш технологиялари очиб берилган.

Маданий шахсий, касбий ва жамоатчилик билан алоқа қилиш, фаол ижтимоий ва коммуникатив фаолиятга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш муаммолари турли таълим ва давлат муассасаларида ўрганилмоқда ва ҳал қилинмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги қарорида ҳам қайд этилган, унда асосий йўналишлардан бири таълим ва фанни ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш ҳисобланади. Юртимизда, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқаро ўқув стандартларини жорий этиш орқали олий ўқув юртларининг сифати ва самарадорлигини ошириш, жисмонан соғлом, маънавий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган шахсларни тарбиялаш каби вазифаларни кўяди. Ҳаётда қатъий қарашларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш масалалари кўтарилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, шахсни ривожлантириш ва шакллантиришнинг барча босқичларида, таълим босқичларида мулоқот маданияти кўникмаларини ўзлаштириш муҳимдир. Уларнинг касбий фаолиятини ривожлантиришда зарурдир. Олий таълим муассасаларининг вазифаси коммуникатив компетенция, коммуникацион стратегиялар, тактика ва кўникмалар тўғрисидаги фикрларни тўғри шакллантириш учун асос яратишдир. Мулоқот жараёнида одоб-ахлоқни намоён этиш шахснинг ахлоқий маданияти ва жамиятда қабул қилинган

хулқ-атвор маданиятининг бир бўғинидир.

Талабалар ўртасидаги мулоқот маданиятининг ўқув машғулоти ва аудиториядан ташқаридаги дастлабки ва кейинги ҳолати натижалари «Мулоқот маданияти» дастурини яратишга замин ҳозирлади. Ушбу дастурнинг асосий мақсади олий таълим муассалари талабалари ўртасида мулоқот маданиятини шакллантиришдан иборатдир. Дастур бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш йўналишининг 1-курс талабалари учун ишлаб чиқилган. Талабалар махсус топшириқларни бажаришга ва ёзма адабий асарларни оммавий ўқишга йўналтирилади (аудитория олдида нутқ ўз мавзусига, мақсади, мазмуний талабга жавоб бериши зарур) (3-расмга қarang).



3 -расм. “Мулоқот маданияти” дастурини яратиш шартлари


“Мулоқот маданияти” дастури назарий ва амалий машғулотлар, машқлар, тренинглари ва маҳорат дарсларига кўпроқ эътибор беришни талаб қилди. Дастур ва мулоқот маданияти даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишда талабалар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантириш технологияси ҳам ҳисобга олинган. Энг аввало, технологияни шахс нуқтаи назаридан кўриб чиқишимиз керак. Технология – бу илмий билимларга асосланган ва хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлашда, шунингдек, тайёр маҳсулотларни маълум асбоблар билан йиғишда қўлланиладиган услуб ва усуллар тўплами ҳисобланади.

Технология – бу унинг яхлитлигини таъминлайдиган асосий таркибий қисмлар ўртасидаги ўзаро боғлиқ барқарор алоқалар тўплами. Мулоқот маданиятини амалга ошириш технологиялари услубий, назарий, психологик ва психологик-педагогик, ташкилий-педагогик, ахборот-когнитив ва шакллантириш, назарий-амалий, дидактик, методик, интеллектуал-ижодий, экспериментал-амалий, ижтимоий-фаоллик, ўзини

такомиллаштириш ва ўзини баҳолаш, тавсия каби таркибий қисмлардан иборат бўлади. Шунингдек, ушбу технология қуйидагиларни эътиборга олиши зарурятини юзага чиқарди: давлат таълими сиёсатидаги муаммога оид услубий қоидалар (ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш, гуманитарлаштириш, ижтимоий-педагогик ва шахсга йўналтириш бўйича), ўқитувчининг ҳолати, унга қўйиладиган талаблар, мулоқот, мулоқот маданияти; талабалар контингенти (гуманитар йўналиш), уларнинг мулоқот маданияти, мулоқот фаолияти талаблари; шахсни такомиллаштириш курси; талабалар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантириш педагогикаси – назарий ва амалий; технологик ва дидактик асослар; мулоқот маданиятининг амалий – ижтимоий ва коммуникатив жиҳатлари; тизимнинг барча таркибий қисмларининг узлуксизлиги, изчиллиги, ўзаро боғлиқлиги; ўрганилаётган жараённи, унинг таркибий қисмларини ижодий технологиялаш, янги шакллар, усуллар ва методик янгиликларни излаш имконияти; мулоқот назарияси ва амалиётининг эътиборни ахлоқий даражаларига, маданиятига (назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик), талабаларнинг мулоқот маданиятини (ўз баҳолари билан) ўз-ўзини такомиллаштиришга қаратган эътиборини кучайтириш.

Ушбу технологиянинг мақсади талаба ёшлари ўртасида мулоқот маданиятини шакллантиришдан иборат бўлиб, бу жараён шахсни такомиллаштиришга қаратилган. Асосий вазифалар талабалар томонидан ижтимоий ва шахсий мотивни англаш ва бирлаштириш – мулоқот маданиятини ўзлаштиришнинг аҳамияти ва зарурияти; талабалар томонидан мулоқот маданияти соҳасидаги билимлар, тушунчалар, ғоялар, кўникма ва қобилиятларни эгаллаш; улардан маданий алоқа, ижтимоий ва коммуникатив фаолият амалиётида фойдаланиш; шахсий ривожланиш; талабаларни мулоқот маданиятини, шахсиятини такомиллаштириш билан таништириш ҳисобланади.

Тамойиллар замонавий услубий асосларга эга: муаммоларни ҳал қилишда шахсга йўналтирилган ёндашув; таълимдаги янги замонавий тенденциялар – гуманистик, гуманитар, ижтимоий ва коммуникатив фаолият, шахсни такомиллаштириш; таълим, ўқитиш, тарбиянинг бирлиги, назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик, ўқув жараёнининг технологизацияси, педагогик янгилик, ўқувчиларга миллий материалларнинг мулоқот маданиятини ўргатишдаги устуворлик – фольклор, тарихий ва маданий, бадиий, долзарб ва бошқалар, дидактик тамойиллар ҳисобга олинади. Мулоқот маданияти доирасига кирувчи омиллар: ҳиссий, рағбатлантирувчи, шахс учун аҳамиятли, ижтимоий эҳтиёжга асосланган, истиқболли-мақсадли, шахсга йўналтирилган, ахборот-когнитив, шакллар, усуллар, услублар ва воситаларнинг оптималлиги ва инновационлиги, интеллектуал ва ижодий, ижтимоий коммуникатив, ўзини такомиллаштириш, мустақил ишлаш – таҳлил – баҳолаш, рағбатлантириш ва мукофотлаш.



4-расм. Талабалар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантириш технологияси.

Ушбу жараёнда мантиқий мувофиқликлар муҳим роль ўйнайди. Жараён давомида талабалар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантиришнинг мақсадлари, мазмуни ва усуллари белгиладиган дидактик машқлар мавжуд: ўқувчиларни мақсадли ўқитиш, ўқитиш, тарбиялаш, мулоқот фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро боғлиқлиги; педагогик етакчилик, талабалар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантириш натижалари билан мулоқот маданияти дарсларини ташкил этиш усуллари ўртасидаги боғлиқлик; талабалар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантириш


натижаларининг ўқитувчи билан ўзаро муносабатларига боғлиқлиги; мантикий-педагогик таркибий қисмлар яхлит педагогик жараённинг таркибий қисми бўлган маълум бир тизим доирасидаги педагогик жараённинг яхлитлиги ва бирлиги; ўрганилган назария жараёнида (мулоқот асослари, мулоқот маданияти, коммуникатив фаолият) ва мулоқот амалиётида birlikлар ва ўзаро боғлиқлик – шахслараро, гуруҳ, жамоавий, жамоат, ишбилармон, ижтимоий ва коммуникатив; индивидуал ва гуруҳ, жамоавий мулоқот фаолиятининг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги кабилар.

Шунингдек, талабалар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантириш натижалари мулоқот маданияти назарияси ва амалиётини талабалар томонидан фаол ва чуқур ўзлаштирилишига, талабаларнинг коммуникатив фаолиятини фаоллаштирадиган самарали усуллардан, янги методик усул ва услубларидан фойдаланишга боғлиқ.

Диссертациянинг **“Талаба-ёшларда мулоқот маданиятини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишларининг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари таҳлили келтирилган. Бўлимда мақбул технологияларнинг самарали усулларни, турлари, шу жумладан, инновацион, ахборот ва бошқа воситаларни, психологик, педагогик ва ижтимоий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш асосида ишлаб чиқилган экспериментал тадқиқот жараёни баён этилади.

Гуруҳларда талабаларда мулоқот маданиятининг шаклланганлик даражаси қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланди: онгли-мотивацион, ўрганувчанлик, шакллантирувчи, интеллектуал-акс этувчи, тажрибавий-амалий, ижтимоий-коммуникатив, ўзини-ўзи баҳоловчи.


Ўрганилган таҳлиллар талабаларнинг мулоқот маданияти қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқлаш имконини берди: онгли мотивацион йўналтирилганлик, онглилик, шакллантирувчи, интеллектуал-воқеланганлик, амалий тажрибага эгалик, ижтимоий-коммуникативлик, ўз-ўзини баҳоловчи (5-расмга қаранг).



5 -расм. Талабаларда мулоқот маданиятини шаклланганлигини аниқлаш кўрсаткичлари

Олиб борилган бирламчи таҳлил шуни кўрсатадики, энг мақбул натижалар 48 фоиз назорат гуруҳи талабаларининг мотивациясидан келиб чиқиб аниқланган, яъни 50 фоиз талабалар мулоқот маданиятини эгаллашга иштиёқ, қизиқиш, истак ва эҳтиёжини билдирганлар, бу эса илмий тадқиқот ишимизнинг тажрибасини келгусидаги муваффақиятини башорат қилишга асос бўлди. Мулоқот маданиятининг бошқа кўрсаткичлари жуда паст натижа берган (талабалар сонидан 0% дан 22% гача). Бу қониқарсиз натижалар, талаба ёшлар билан ўтказилган мунозара ва суҳбатлар, мулоқотлар (шахслар ўртасидаги, жамоавий, гуруҳли, жамиятдаги) жараёнида уларни кузатиш ва мониторинг қилиш, мулоқот маданияти, коммуникация фаолиятига доир берилган мавзулар бўйича талабаларнинг ёзма ишлари билан тасдиқланган.

Талаба ёшлар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар тақдим этилган. Мазкур бобда муаммони ҳал этиш бўйича психологик, педагогик ва ижтимоий шароитларни инобатга олган ҳолда оптимал технологиялар, самарали усул ва услублар, шу жумладан, инновация, ахборот ва бошқа воситалар асосидаги муаллифлик шакли бўйича ишлаб чиқилган тажрибавий-тадқиқот жараёни ёритилган. Тизимли-босқичли кетма-кетликда, айтиб бериш жараёнида, талаба ёшларнинг мулоқот маданияти (муаллиф дастури бўйича дарсдан ташқари машғулотлар ўтказиш шароитида) қуйидаги схема бўйича шаклланади (6-расмга қаранг):



6-расм. Мулоқот маданиятини ошириш тизимининг кетма-кетлик схемаси.

Тажриба-синов ишларимиз бир неча босқичда ўтказилди: мотивацион, когнитив ва ахборот, акс этириш ва ижодий ёндашув билан шакллантириш босқичи, экспериментал ва амалий босқич, ўз-ўзини такомиллаштириш босқичи, самарали ва якуний босқич. Ҳар бир босқичда ушбу босқичга хос бўлган вазифалар берилган. Мулоқот маданиятини яхшилаш ва шакллантириш учун мақсад, йўналиш, мақсадлар, принциплар, омиллар, шартлар, талаблар каби таркибий қисмларни ўз ичига олган механизм яратилди.

Назарий ва педагогик тизимнинг мақсади талабалар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантиришдан иборат бўлиб, жараён шахсни такомиллаштиришга қаратилган.

Асосий вазифалар этиб қуйидагича белгиланди: талабалар томонидан ижтимоий ва шахсий мотивни англаш ва бирлаштириш – мулоқот маданиятини ўзлаштиришнинг аҳамияти ва зарурияти; талабалар томонидан мулоқот маданияти соҳасидаги билимлар, тушунчалар, ғоялар, қобилиятлар,

